

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРБА



АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида қўшни Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Уни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М.Раҳмонқулов бошқарди.

Куни кеча АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари ҳалқаро террорчиликка қарши кураш доирасида Афғонистоннинг Қобул, Қандаҳор, Жалолобод, Мозори Шариф ҳамда Хирот шаҳарларига ҳаводан зарба берди. Террорчилик тизимини йўқотиш борасида тузилган ҳалқаро коалицияга жаҳоннинг аксарият давлатлари қўшилгани сир эмас. Ўзбекистон бир неча бор террор хуружини ўз бошидан кечирган давлат сифатида ҳалқаро ҳамжамият танлаган бу йўлдан четда тура олмайди.

Брифинг да таъкидланганидек, бу зарбалар афгон халқи ёки ислом динига эътиқод қилувчиларга эмас, балки ҳалқаро террорчиликка қарши йўналтирилган ҳарбий тадбирдир. Бу фикрни АҚШ ва етакчи Ғарб давлатлари раҳбарлари қаторида Ўзбекистон Президентини ҳам ўз қишларида неча бор таъкидлаган. Ислон Каримов 5 октябрь куни журналистлар билан учрашиб, Афғонистон билан боғлиқ воқеалар юзасидан расмий баёнот эълон қилди ва Ўзбекистоннинг минтақадаги вазиятга муносабатини аниқ-равшан ифдалаб берди.

Лекин куни кеча АҚШ ва Буюк Британия қуролли кучлари Афғонистонга ҳаво зарбаси берганидан кейин хориждаги айрим оммавий ахборот воситалари турли асоссиз миш-мишлар, уйдирмалар тарқата бошлади. Гўё Ўзбекистон - Афғонистон чегарасида катта миқдорда қўшин тўпланаётгани, ҳадемай ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетиши мумкинлиги ҳақида-

ги хабарларнинг таги пуч экани кўпчиликка равшан. Ташқи ишлар вазири А.Комилов бу уйдирмаларни қатъиян рад этар экан, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати давлатимиз раҳбарининг баёнотида ўзининг аниқ аксини топганини таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон аксилтеррор тадбирини ўтказишда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига ўз ҳаво кенгликларида ва ҳарбий аэродромларининг биридан фойдаланишга рухсат берган. АҚШнинг кам сонли ҳарбий-транспорт самолётлари ва вертолётлари бу аэродромдан афгон халқига фақат инсонларварлик ёрдами кўрсатиш ва қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш учун фойдаланади. Афғонистонга Ўзбекистон ҳудудидан фойдаланган ҳолда бомбали зарба беришга, қуруқлик орқали ҳужум қилишга йўл қўйилмаслиги Президентимизнинг Баёнотида алоҳида таъкидланган.

Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М.Раҳмонқулов мамлакатимизнинг Афғонистон билан чегара ҳудудидagi вазият ҳақида ахборот берар экан, «Толибон» ҳаракати Ўзбекистон сарҳадига ўн минг сонли қўшин келтириб қўйгани ҳақидаги хабарлар қуруқ уйдирма эканлигини айтди.

Айни пайтда Афғонистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудида осойишталик ҳукм сурмоқда, — деди М.Раҳмонқулов. — У ерда «Толибон» ҳаракати ҳарбийларининг йирик гуруҳи қузатилмаган. Ўзбекистонда ҳам ҳарбий бўлиналар жойдан жойга кўчирилаётгани йўқ. Ҳарбийларимиз доимий қўналғаларида хушёр турибди. Ортиқча ваҳима кўтаришга ҳеч қандай асос йўқ.

Ушбу сонда

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Октябрнинг биринчи ўн кунлиги ҳам нийоҳияга етиш арафасида. Ҳаво ҳароратининг тобора пасайиб бориши серёғин кунлардан дарак бермоқда. Олтин кўзнинг ҳар дақиқасини ғанимат билган дехкон ҳосилни йиғиб-териб олиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солган.

2-саҳифа

«БУ МЕНИНГ БУРЧИМ ЭДИ»

Ўзбекистон
Транспорт
прокурори
лавозимининг
менга
юклатилишини
мустақиллики
янада
муштахкамлаш
йўлидаги
катта ишонч
ва масъулият деб
қабул қилдим.



НАВБАТДАГИ ЎҚУВ

ДУШАНБА куни Республика прокуратурасининг қонунчиликини муштахкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиққа-онд жиноятларга қарши курашиш бошқармаларининг суриштирувчилари тақлиф қилинди. Тингловчилар Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишни ташкил этиш мавзусида ўқув машғулотларини бошлади.

Биринчи машғулотда Республика прокуратураси ҳузуридаги Солиққа онд жиноятларга қарши курашиш Департаменти бошлиғи Б.Зохидов соҳадаги муаммолар ва келгусидаги вазифалар ҳақида маъруза қилди. Ўқиш жараёнида тингловчиларга етук ҳуқуқшунос олимлар, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ идораларининг тахрибали мутахассислари маърузалар ўқишдаги ва амалий машғулотлар ўтказилади.

(Ўз мухбиримиз)

3-саҳифа

ҚУЁШСИЗ ЯШАБ БЎЛАДИМИ?



Лутфулло
хаммага ўхша-
магани учун ҳам
оёқларида гўзал
суратлар чиза-
ди. У чизган
суратларда
ранг-баранг
гуллар, уйинка-
рок болалар,
қушлар ва қуёш
қулиб туради.

8-саҳифа

Моҳият

Кимки иллатга жазо
бермаса, у унинг
ҳимоячисидир.

Леонардо Да ВИНЧИ

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sisshilar

O'zbekiston Respublikasi

prokuraturasi,

Toshkent shahar va Toshkent

viloyati prokuraturalari,

«Qonun himoyasida»

jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariга
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.

Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etiladi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2949
Nusxasi — 15475

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbachi muharrir:

Sh. YODGOROV

Navbachi: N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

XOSIL - 2001

Октябрнинг биринчи ўн кунлиги ҳам мана нихоясига етиш арафасида. Хаво ҳароратининг тобора пасайиб бориши серёғин кунлардан дарак бермоқда. Олтин кузнинг ҳар дақиқасини ғанимат билган деҳқон ҳосилни йиғиб-териб олиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солган. Айни дамгача деҳқонларимиз томонидан давлатга топширилган «оқ олтин» хирмони 3 млн. тоннадан ошиб кетди.

РЕСПУБЛИКА прокуратура идоралари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 августдаги «2001 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижроси юзасидан назорат тартибиде ўтказилаётган текширишлар ҳам ҳосилни йиғштириб олиш жараёнида йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Текширишлардан маълум бўлишича, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Узгагрошсервис» уюшмаси, «Ўзқишлоқҳўжаликмиш-холдинг» ва «Ўзқишлоқҳўжаликмиш» компаниялари, «Пахтабанк» акционерлик тижорат банки ҳамда уларнинг қўйи тизим идоралари, шунингдек, вилоят ва туманлар ҳокимликлари ҳамда ҳўжалиklar раҳбарлари томонидан зарурий чоралар қўйилмаётганлиги оқибатида пахта теримини уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган тадбирлар ижроси Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида қонқарсиз аҳолида қолмоқда.

Айниқса, пахта териш машиналарини соғлаш, шунингдек, теримда банд бўлган барча техникалар учун двигателлар, узеллар, агрегатлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар захирасини яратиш ҳамда уларнинг белгиланган жойларга зудлик билан етказилишини таъминлаш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бунинг оқибатида айрим ҳўжалиklarда бугунги кунга қадар пахта ҳосилини машиналарда теришга киришилмаган. Хусусан, Ташкент вилоятида 4 та, Жиззахда 8 та, Сурхондарёда 11 та,

ВАҚТ КЎТИБ ТЎРМАЙДИ

Самарқандда 12 та ва Бухоро вилоятида 19 та «Кейс» машиналари асоссиз равишда теримга жалб қилинмаган. Сирдарё вилоятида эса пахта териш машиналарининг ўз вақтида мавсумга тайёр қилиб қўйилмаганлиги натижасида 19 та «Кейс» машинаси ҳамон носоз ҳолда турибди.

Бундан ташқари, ўшбу вилоятдаги машина-трактор паркларининг мансабдор шахслари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб, Сайхунобод туманидаги битта «Кейс» пахта териш машинасидан ҳўжасизларча фойдаланилишига йўл қўйганликлари оқибатида жамият манфаатларидаги 6 млн. 809 минг сўмлик, Оқолтин туманидаги иккита «Кейс» терим машиналари эса қаровсизликдан яроқсиз ҳолатга келиб 16,9 млн. сўмлик моддий зарар етказилишига сабаб бўлган. Ўшбу ҳолатлар бўйича айбдор шахсларга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Шунингдек, жойлардаги тегишли банк идоралари, хусусан, «Пахтабанк»нинг ҳудудий бўлиmlари мансабдор шахсларининг масъулиятсизликлари туфайли пахта терими учун ажратилган 36 млрд. 683 млн. сўмнинг 2 млрд. 411 млн.

сўми белгиланган муддатларда тарқатилмаган. Масалан, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси бошлиғи ва вилоят «Пахтабанк» бошқаруви раисининг айби билан жорий йилнинг 6-11 сентябрь кунлари учун ажратилган 18,9 млн. сўм, 11-15 сентябрь кунларига тақсимланган 562 млн. сўмлик иш ҳақлари ҳеч бир сабабсиз тарқатилмаган.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида эса 11-15 сентябрь

дарё туманидаги «Малик» уруғлик пахтадан чигит тайёрлаш корхонаси оғир мудири Ж.Елабатов умуий бўҳоси 4 млн. 282 минг сўм бўлган 17 дон пахта бунтларини ёпиш учун мўлжалланган брезентларни талон-тарож қилиб юборганлиги маълум бўлган. Мазкур ҳолат юзасидан Ж.Елабатовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирги пайтда тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида республика ҳудудидан ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган 3,6 тонна пахта хом-ашёси пахта пунктларига топширилган. Эл-юрт насибасига чанг солган айбдор шахсларни эса қилмишига яраша жазога тортиш масаласи ҳал этилмоқда.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида республика ҳудудидан ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган 3,6 тонна пахта хом-ашёси пахта пунктларига топширилган. Эл-юрт насибасига чанг солган айбдор шахсларни эса қилмишига яраша жазога тортиш масаласи ҳал этилмоқда.

Сир эмаски, пахта мамлакатимизнинг асосий бойлиги. Турмушимизнинг фаровон бўлиши ҳам кўп жиҳатдан бугун далавлардан йиғиб олинаётган ҳосилга боғлиқ. Шундай экан, пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир миқдolini ҳам нес-нобул қилмасдан йиғштириб олиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши лозим.

З.ХИДИРОВ,

- Республика

прокуратурасининг умуий
назорат бошқармаси прокурори

● КЕНГАШ

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА



РЕСПУБЛИКА ҳарбий прокуратураси томонидан шу йилнинг сентябрь ойида Ташкент ҳарбий гарнизонинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳарбий қисмларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида»ги Фармони талабларининг ижро этилиши умуий назорат тартибиде текширувдан ўтказилган эди. Ўшбу жараёнда айрим ҳарбий бўлиmlа ва муассасаларда интизомни мустаҳкамлаш, ҳўқўбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида нўқсонларга йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, Мудоффа вазирлиги номига қўнўбузарликлар ва жиноятларнинг шарт-шароитларини бартараф қилиш ҳўсусида тақдимнома киритилган эди.

Яқинда Чирчик Олий ҳарбий танки муҳандислар қўмондонлиги билан юртида Республика ҳарбий прокуратури қиритган тақдимнома муҳоамаси юзасидан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги жиноятчиликнинг олди етарли даражада олинмагани, ҳарбий мулкни талон-тарождан асрашдаги камчиликлар, ҳарбий техникани бошқариш қондаларини бузиш ҳоллари танқид остига олинди. Шунингдек, ҳарбий хизматни ўташнинг хавфсиз шароитларини таъминлаш, аскарларнинг ижтимоий ҳўюмасини кўчайтириш борасидаги муаммолар муҳокама этилди.

Мудоффа вазирлиги ҳамда ҳарбий прокуратура томонидан аниқланган аҳвол айрим қисм қўмондонларининг ўз хизмат вазифаларини лозим даражада баҳармаслиги, ўзлари ва қўл остидагиларга нисбатан талабчанликнинг йўқлиги, қўшинлар ва шахсий таркиб хизматини ташкил қилишда йўл қўйилган нўқсонлар, баъзи зобитлар ва кичик бошлиқларнинг масъулиятсизлиги, шахсий таркиб билан ишлаш талаб даражасида ташкил этилмагани ва бевосита бўлиmlалардаги аҳвол устидан кичик бошлиқлар томонидан етарлича назоратнинг йўқлиги боис юзага келгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда айрим бўлиmlалардаги қонқарсиз аҳолини бартараф қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси

Ҳарбий прокуратурасининг матбуот хизмати

● ИЛЛАТ

УМР ЗАВОЛИ

2001 йилнинг олти ойи мобайнида Хоразм вилоятида гиёҳвандлик билан боғлиқ 550 та жиноят аниқланди. Шундан 75 таси аёллар, 88 таси эса муқаддам судланган шахслар томонидан содир қилинган.

Янгиарик туманида яшовчи З.Жабборова жиноят содир қилгани учун судланиб, амнистия тўғрисидаги Фармонга асосан жазодан озод қилинган эди. Аммо, шу йилнинг январь ойида у ўз ўида гиёҳванд модда сотаётган пайтда ушланди. Ташкент шаҳрида яшаб келган Султон Жабборов ҳам илгари суднинг қора қўрсисига ўтириб, қилмиши учун жазо олган бўлса-да, бундан тўғри ҳўлоса чиқармай, шу йилнинг 22 апрель куни вилоятимизга «оқ ажал» олиб келаётганда қўлга олинди.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши қурашни қўчайтириш мақсадига вилоят прокуратураси ва бошқа ҳўқўқни муҳофаз қиливчи идоралар томонидан бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аммо шунга қарамайдан шу йилнинг олти ойи мобайнида вилоятимизда гиёҳвандлик билан боғлиқ 550 та жиноят содир қилинган. Ҳўш, бунинг сабаби нимада?

Вилоят прокуратураси томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар содир этилиш сабаблари, вилоят ҳокимлиги ҳўзуридаги «наркотик моддалар устидан назорат қилиш минтақавий комиссияси» томонидан амалга оширилган ишлар ўрганилиб чиқилганда мазкур комиссия мажлисбозликлари нарига ўтмаганлиги маълум бўлди. Комиссия аъзолари ўзларининг вазифаси нимадан иборат эканликларини аниқ билмасликлари туфайли иш режалари ҳамда вазифалар тақсими ишлаб чиқилмаган.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ 550 та жиноятнинг 88 таси муқаддам судланганлар томонидан тақдоран содир қилинган. Энг ачинарлиси шундаки, ўнлаб аёллар оғурурушлик, бангиҳона ташкил қилиш, гиёҳванд воситаларини қўнўнга хилоф равишда саклаш билан шўғулланган.

Агарда ҳокимликлар ҳўзуридаги комиссиялар ва маҳалла оқсоқоллари кенгашилари томонидан ишчиларни иш билан таъминлаш масаласи ўз вақтида қўриб чиқилганда ва ИИБ идоралари томонидан судланганлар ҳамда жазони ўтаб қайтганлар устидан етарли даражада иш олиб боришганда эди, юртимизда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар бу даражада ўсмаган бўларди.

Гулимаи ҚУТИМОВ,

Хоразм вилоят прокуратурасининг
бўлиml катта прокурори

● **ЎЗБЕКИСТОН ПРОКУРАТУРАСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

— Вали Кабирович, авваломбор Сизни зўр тантана билан нишонланган Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи билан ҳамда Ўзбекистон прокуратурасининг яқинлашиб келаётган 10 йиллиги байрами муносабати билан табриклаймиз.

— Раҳмат.

— Мустақиллик эълон қилинган кунни қандай хотирайсиз? Бу кунни қандай қарши олган эдингиз?

— **ЎЗБЕК** халқининг азалий орзу-умидлари рўйга чиққан, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган тарихий кунни кўплаб ватандошларим каби зўр мамнуният билан қарши олдим. Бу пайтда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Умумий назорат бошқармаси бошлиғи лавозимида хизмат қилар эдим.

Маълумки, мустақилликка қадар Республика прокуратура органлари фақатгина Собиқ СССР Олий совети ва ҳукумати чиқарган қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб келар эди. Ўзбекистонда том маънодаги парламентнинг йўқлигидан, қабул қилинаётган қонунлар Иттифок қонунларининг кўзгудаги акси мисоли ҳам шаклан, ҳам мазмунан бир хил бўлар, айрим ҳоллардагина уларга жузъий ва аҳамиятсиз ўзгаришлар киритилган бўларди.

— Ватанимиз мустақиллигини кўлга киритгандан кейин ҳам, яъни 1991 йил сентябрь-декабрь ойларигача прокуратура органлари Собиқ «марказ»га бўйсунган экан...

— **ҲАҚИКАТАН** ҳам СССРнинг қонунларини устун қўйиш ва ижросини таъминлаш ҳақидаги марказнинг талаблари 1991 йил декабрь ойининг охиригача, яъни бесамар коммунист тажриба кўрбони бўлган Совет иттифокининг узил-кесил емирилишигача давом этиб келди.

1991 йилнинг 8 декабрида Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)ни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатга РСФСР, Украина ва Белорусия раҳбарлари имзо чекдилар. Уша йили 18 декабрда Кремлда «Иқтисодий ҳамкорлик» ҳақидаги шартнома янги ҳамжамиятга киритилган давлатлар томонидан имзоланди. Бир неча кундан кейин Олматада Собиқ иттифокнинг ўн бир республикаси раҳбарлари учрашдилар ва Ҳамдўстлик тўғрисидаги битим ҳамда баёнмага имзо чекдилар. Шундай қилиб Совет Иттифоқи узил-кесил емирлиди. Аммо «марказ» 1991 йилнинг декабрь ойига қадар қарамида бўлиб келган прокуратура органларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринди.

Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, III даражали давлат аффи маслаҳатчиси Вали Қосимов номини прокуратура ходимлари, унинг шогирдлари ҳурмат билан тилга олишди.

Ўзининг халқпарварлиги, камтарлиги, касбига фидойилиги билан танилган Вали Қосимов 1928 йилда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Дастлабки иш фаолиятини Аффи вазирлигида бошлаган.

1954-56 йилларда Сурхондарё вилояти Аффи бошқармаси бошлиғи, 1964 йилдан 1974 йилгача Сурхондарё вилоят прокурори, 1974-1984 йилларда Сирдарё

вилоят прокурори, 1984 йилдан 1997 йилга қадар Республика прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган. Айни пайтда эса Олий ҳўжалик суди Қадрлар бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон прокуратурасининг 10 йиллиги тантанали арафасида муҳбиримиз Вали Қосимов билан суҳбатда бўлди.



олиятини тубдан ўзгартиришга тўғри келди. Фармонга асосан Ўрта Осиё Транспорт прокуратураси ҳамда Республика Ҳарбий прокуратураси қайта ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига бўйсиндирилди. Менда Ўзбекистон Транспорт прокурори лавозимини бажариш вазифаси юкланди.

— Демак, Транспорт прокурори вазифасида маҳаллий миллат вакилларида биринчи бўлиб ўзингиз ишлаган экансиз-да? Бунни қандай қабул қилдингиз?

— **ВИЛОЯТ** прокурори макомига эга бўлган Ўзбекистон Транспорт прокурори лавозимининг менга юклатилишини мустақилликни янада мустақамлаш йўлидаги катта ишонч ва масъулият деб қабул қилдим. Мустақил Ўзбекистоннинг Транспорт прокуратураси фаолиятини қайта ташкил этишга масъулият билан ёндашиб, транспорт ташкилотларида мустақил давлат қонунларининг аниқ бажарилиши устидан олиб борилаётган прокурорлик назоратини такомиллаштиришга киришдик.

ни жойларда аниқ бажарилишига тўсқинликлар қилинаётгани ҳақида хабарлар бизга тез-тез келиб турарди.

— Мумкин бўлса бирорта мисол келтириб ўтсангиз...

— **МУСТАҚИЛ** давлатимизнинг ҳарбий куч-қувватини мустақамлаш ва таъминлашга қаратилган навбатдаги ҳарбий ва альтернатив хизматга ўларнинг қақариш ҳақидаги ҳукумат қароридан 1993 йилдан бошлаб, қақирув комиссияларининг фаолиятида ҳукукий демократик асосларни жорий этиш мақсадида комиссия раиси этиб, жойлардаги ҳўкимларнинг ўринбосарлари тайинланиши, ҳарбий комиссариатларнинг раҳбарлари ўларнинг муовинлари вазифасини бажаришлари лозимлиги белгилаб қўйилди. Аммо айрим вилоят ва туман ҳарбий комиссариатларининг раҳбарлари ҳарбий мажбурият ҳақидаги умумиттифок қонунини рўқач қилиб, бу ҳукукий норматив ҳужжатга нисбатан ўз норозиликларини билдирганлар. Хаттоки, Фарғона вилоят прокуратураси Умумий назорат бошқармасининг ўша вақтдаги бошлиғи Галина Пиманова ҳарбий комиссариатларнинг қонунсиз талабларига асосан тўртта туман ҳўкимларининг ва вилоят ҳўкимининг чиқарган қарорларини бекор қилишни талаб қилиб, протест киритган. Жўйига бориб ўрганилганда Фарғона вилоят прокуратураси мустақил Ўзбекистоннинг қонун устуворлигини эмас, балки Собиқ Иттифок қонунларининг устуворлигини ҳўмия қилишни давом эттириб келаётгани маълум бўлган эди. Зудлик билан бу қонунсиз ҳаракатларни бартараф этдик. Қонунсиз протестлар қайтадан кўриди, республика қонунларининг устуворлиги таъминланди. Айбдорлар тегишли жазога тортидилар.

Ўзининг 10 йиллик байрамини муносиб нишонлаган Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги осонлик билан қарор топмаганлигини исботловчи бу каби мисоллар жуда кўп.

— Ўзбекистон прокуратурасининг 10 йиллиги муносабати билан прокуратура ходимларига тилакларингиз?

— **ИШ** фаолиятимизнинг кўп даврини, куч ва қувватимни бағишлаган Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 10 йиллиги муносабати билан барча ҳамкасбларимнинг улўғ айём муносиб қутиб олишларида муваффақият тиламан.

Фазилят ЁДГОРОВА
суҳбатлашди

«БУ МЕНИНГ БУРЧИМ ЭДИ»

Жумладан, 1991 йилнинг сентябрь ойида Иттифок Бош прокуроридан топшириқ олинди. Бу топшириқда Ўзбекистон Республикаси Иттифок бюджетини олдидаги ўз мажбуриятини бажармаётгани, республика ўз бюджетидан Иттифок бюджетига тегишли бўлган маблағни ўтказмай қўйгани, зудлик билан прокурорлик назорати асосида текширув ўтказиб, тегишли ажратмалар ўтказилиши лозимлиги кўрсатилган эди. Хали Иттифок прокуратурасига бўйсиниб турган, моддий техника таъминоти марказдан амалга оширилиб келинаётган Республика прокуратураси учун бу топшириқ бажарилиши мажбурийдек туюларди. Аммо республика Молия вазирлиги ва раҳбарият бунга йўл бермади.

Республика прокуратураси назорат қилувчи ва жазо чораларини татбиқ этувчи органдан мустақил Ўзбекистон ҳудудида қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи, фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини ҳўмия этадиган давлат органига айлантирилди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги Фармонига асосан Иттифокга бўйсунувчи республика прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилиб, қайта ташкил этилди. Унга кўра прокурорлик назорати ҳам ўзгартиришлар киритилиб, уларнинг фа-

— **Энди**гина оёққа тураётган ёш мустақил давлатнинг ўзига яраша муаммо ва тўсиқлари кўп бўлган даврда, бир вақтнинг ўзида иккита масъулиятли вазифа, яъни Транспорт прокурори ва Республика прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатиш Сиз учун қийин бўлмадими?

— **ҚАНЧАЛИК** мураккаб бўлмасин, мен ишончини оқлашим керак эди. Қолаверса, бу менинг Ватан олдидаги бурчим эди. Шунинг учун қийинчиликларга қарамасдан ўз бурчимни адо этишга киришдим. Бу ишда ҳамкасб дўстларимнинг яқиндан берган ёрдами менга куч ва ғайрат бағишлади. Бу пайтда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустақамлашга қаратилган қонунлари-

АКС-САДО

«АСР ВАБОСИ» ҳисобланмиш терроризмга қарши кураш ҳўзирги кундаги энг долзарб масаладир.

Президентимиз бу масалага жуда чўқур мулоҳаза билан ёндашиб, БМТ ва Истанбул саммитида сўзлаган нўтқларида терроризм чегара билмаслигини, барча давлатлар яқдиллик билан унга қарши биргаликда курашишлари лозимлигини айтган эдилар. Халқаро саммитларда терроризмга қарши курашадиган ягона Марказ ташкил этиш таклифи ҳам ўртага ташланган эди. Юртбошимиз Исом Каримов сўзларининг на-



қадар ҳақлиги АҚШда содир бўлган воқеада ўз исботини топди.

Ҳўзирги жаҳон сиёсий ойнасида вазият ниҳоятда кескин. Бу вазиятда шошма-шошарлик билан қўйилган бирор

«ҚОРА БУЛУТ» ТЎДАСИ

ножўя қадам ёки хатти-ҳаракат сиёсий вазиятни кескинлаштириб юбориши мумкин. Терроризмга қарши бутун жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар биргаликда курашиши керак. Халқимизда «темирни қизигида бос» деган мақол бор. Шу нақлга монанд агар ҳўзирнинг ўзидаёқ терроризм деган яранинг олди олинмас экан, бу яра газак олгандан сўнг кураш янада оғирлашиб кетади. Хулоса қилиб айтганда, «Оловли ўчоқ»қа яқин бўлганимиз учун сиёсий вазиятни

тўғри баҳолаб, биринчи навбатда чегараларни янада мустақамлашимиз зарур.

Тинчлигимизнинг барқарорлиги, ҳаётимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш учун муштарак орзулар йўлида Президентимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Бу вазиятда биз ўз мустақил позициямизда туриб, ақл билан, онг билан ўз йўлимиздан боришимиз керак. Бизнинг йўлимиз эса юртбошимиз айтганларидек, тинчлик, осойишталик йўлидир.

Дилдора ХАЙИТБОЕВА,
ТДЮИ талабаси

КАТТА АВЛОД ЗИММАСИДАГИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш Марказида «Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш ва ёшларни ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муаммолари»га бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда марказда малака ошираётган шахар, туман прокурорлари ҳамда «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахриратчи ходимлари иштирок этдилар. Суҳбатни Марказ директори, 3 даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Э. Абзалов очиб, мамлакатимизда ёшлар, шу жумладан вояга етмаганлар масаласига жиддий эътибор қаратилаётганини, бу ишлар ҳокимият идоралари, шу жумладан ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

— Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан вояга етмаганларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди Марказ директори сўзида давом этти. — Лекин очигини айтганда жойлардаги айрим комиссиялар томонидан олиб борилаётган ишларни бугунги давр талабига жавоб беради деб бўлмайди. Бу ўзларингизга ҳам яхши маълум.

Республикаимиз Президенти Ислон Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Адолат — қонун устуворлигида» номли маърузасида вояга етмаганлар, ёшлар тарбияси масаласига яна бир бор тўхталиб ўтиб, «... биз ҳали болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарли эътибор бермаяпмиз. Мактаблардаги ўқув дастурларида қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўрганишга амалда эътибор берилмапти...

... Ҳуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни қўлаб, унинг тарбияси билан шугуллангани яхши эмасмики?

Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак», деган эди.

Демак, юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, бу иш ҳар бир прокуратура ходимининг, қолaversа, жамиятимиз ҳар бир аъзосининг вазифасига айланиши даркор. Бугун давра столи атрофида сизлар билан йиғилиб ўтиришимиздан мақсад — вояга етмаганлар билан ишлашни янада яхшилаш учун нима ишлар қилиш керак, бу борада қандай ўзгаришлар қилиш лозимлиги ҳусусида фикр алмашишдир. Ушбу масалалар юзасидан қандай қандай фикр, таклифлар бўлса, биргаликда ўртоқлашсак.



Х. АБДУЛЛАЕВ,
Қўшқўпир туман прокурори

— Ҳозирги вақтда вояга етмаганлар муаммолари билан шугулланувчи бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти талаб даражасида янгилашиб шаклланди.

Вояга етмаганлар томонидан қонун бузилиши ҳолларини келтириб чиқараётган сабабларни янгилаш ва ўз вақтида бартараф этиш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятиликка қарши кураш масалалари прокуратура идораларининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Қўшқўпир туман прокуратураси бу борада қатор ишларни амалга оширилганлиги сабабли туман миқёсида вояга етмаганлар ўртасида 2001 йилнинг ўтган даврида битта ҳам жиноят содир қилинмади.

Прокуратура томонидан вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссия ва ички ишлар бўлими нозирлиги фаолиятида қонунчиликка риоя қилиниши доимий равишда текширилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолларини бартараф қилиш юзасидан туман ҳокимиятига ахборотлар киритилиб, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниши таъминланди.

Текширишларда ҳокимият ҳузуридаги комиссия ўз фаолиятини фақат ички ишлар бўлими қўшидаги вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи нозирлик томонидан юборилган материалларни кўриш билан чекланганлиги маълум бўлди. Бу эса туманда ёшларнинг тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги масалалар чеклаб ўтилганлигидан далолат беради. Худди шундай аҳвол туман ИИБ нозирлик фаолиятида ҳам аниқланган эди.

Шу сабабли, туман прокуратураси ташаббуси билан бир қатор ишлар амалга оширилди ва улар ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, туман ҳудуди наркологиya диспансерида ҳисобда турган гиёҳвандлик ва алкоголизм касаллигига мубта- бўлган оилалар ҳисобга олиниб, бу оилалардаги болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи факторларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, туман таълим тизимида таълим тўғрисидаги қонун талаблари текширилиб, ҳар бир мактабда дарсларни доимий равишда қолдириб юрган ўқувчилар аниқланди. Улар-

нинг оилавий аҳволи, шароити ва нима сабабдан дарсларни сурункали қолдириб келганлиги, шунингдек, машғулотлардан қолган вақтида нималар билан шугулланганлиги ўрганилди. Рўйхат мактаб ўқитувчилари ва маъмуриятига уларнинг ҳуқуқини ўрганиб бориш ҳамда бундай ўқувчилар ҳақида ички ишлар бўлими нозирлиги ва прокуратурага маълумотлар бериб бориш учун топширилди. Амалга оширилган бу тадбир ҳозирги вақтда ўз самарасини бериб келмоқда.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан ҳар бир мактаб учун паспортлар ишлаб чиқилиб, унда ўқув жараёни, ўқувчиларнинг ўқишдан бўш вақтини қандай ўтказиш мумкинлигини аниқловчи маълумотлар акс этган. Мазкур паспорт прокурор назорати предмети бўлиб хизмат қилади.

Шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, ўқимайдиган, ишламайдиган вояга етмаганлар билан доимий шугулланиш улар томонидан қонунбузарликлар содир этилишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролар йиғинлари, меҳнат бўлимларининг ёшларни ишга жойлаштириш, бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш ва ўргатиш қонунда белгиланган вазифаларини қандай бажараётганликлари прокурор назоратининг доимий предмети бўлиши лозим.

Тарбия — фақат инсон сеҳнини ўстириш ва унга маълум даражада билим беришгина эмас, балки у инсонда меҳнатга том маънодаги чанқоқлик ҳиссини уйғотишни керак. Бусиз одам ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди.

К. УШИНСКИЙ



Худойр ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қосон туманлараро прокурори

— Туман ҳокимликлари қўшидаги вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиянинг самарали фаолият кўрсатишлари аввало мазкур комиссия котибларининг билим ва малакасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам комиссия котиблари вазифасига тажрибали педагог ёки юридик билимга эга бўлган мутахассислар жалб этилиши лозим.

Лекин, сир эмаски, айрим

жойларда котибларни танлашга етарли эътибор берилмайди. Ушбу ва бошқа сабабларни инобатга олиб, вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссия ҳамда тегишли идораларнинг бу йўналишдаги идоравий фаолияти юзасидан прокурорлик назорати олиб борилиши билан чекланилмасдан, бу соҳада ишни ташкилотчилик йўли билан ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Туман ҳокимликлари қўшидаги мазкур комиссиянинг ишини доимий назорат қилиш билан бир қаторда, унинг ишини тўғри ташкил этишга бевоқифа кўмак бериб, комиссия ва котиблари фаолиятини тўғри йўлга қўйишда қўйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайманми.

Биринчидан, вояга етмаганларнинг билим олишлари билан бир вақтда уларнинг спорт ёки бошқа тўғрақларга жалб этилишига эришиш. Негаки, уларнинг спортга жалб этилиши, мактабдан кейин беқор юриб жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир қилишининг олдини олибгина қолмай, ўсмирларнинг соғлом бўлиб ўсишларида ҳам катта аҳамият касб этади.

Иккинчидан, вояга етмаганларнинг меҳнат билан шугулланиши ва уларнинг қонунчиликка биноан ижтимоий муҳофазасига қаратилган доимий ишларни ташкил этиш шарт.

Учинчидан, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган прокурорлик назоратини туман ички ишлар бўлимларининг вояга етмаганлар билан ишловчи назорат инспекциялари ишини тўғри ташкил этиш йўли билан олиб бориш лозим.

Бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда масъул идораларни тўлиқ жалб этиш билан бир қаторда жамоат ташкилотлари қўшдан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Айниқса, маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғинлари фаолларини бу ишга жалб этилиши ўз самарасини беради.



М. НАРИМБЕТОВ,
Богот туман прокурори



Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик — бу аввало биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш — аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади.

Ислон КАРИМОВ

— Очиги биз сабабни бошқалардан излашга, кимнидир бунга айбдор деб топишга ўрганимиз.

Вояга етмаганлар ўртасида содир қилинган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятга нима учун ҳамма вақт ўсмирларнинг ўзини айбли деб қўя қоламиз. Нима учун биз уларнинг ота-онаси, мактаб, ўқитувчилари, агарда ишлайдиган бўлса меҳнат жамоаси, маҳалла ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилишига йўл қўйди, деб масалани кег миқёсда муҳокама этмаймизми? Нимага биз катталар ёшларнинг бундай йўлга кириб кетишига йўл қўйдик, бунда бизнинг айбимиз йўқми, деган саволларни ўзимизга бермаймиз. Масалан, ота-она уйга кеч келган фарзандидан қаерда бўлганини сўрамаса ёки ўқитувчилар мактабга келмаган, дарсларга қатнашмаган ўқувчиларга дарсга қатнашиш деб шу кун қатнашмаган фандан баҳо қўйиб қўйган бўлса, бунга нима десак бўлади?

Шунинг учун менинг фикримча ёшлар тарбиясига биз ота-оналар биринчи навбатда жавоб беришимиз керак.

МАСЪУЛИЯТ



М. НУРАТДИНОВ,
Тахиятош шаҳар
прокурори

— Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар иш-режаларини ҳақиқий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тузишлари керак. Болалар уйлари ва меҳрибонлик уйлари қарамогига бўлган, ота-онасиз қолган вояга етмаганларни ўқитиш, тарбиялаш ва яшаш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор билан қараш керак.

Болалар уйларида чикқан ёшларнинг кейинги тақдири, уларнинг яшаш, ўқиш шароитлари кўпича эътибордан четда қолади. Шунинг учун уларнинг яшаш шароитини яхшилаш, турар жой ва иш билан таъминлаш зарур. Бунинг учун ҳокимият, «Қамолот», «Нуроний» жамғармалари, меҳнат (биржа) бўлими, халқ таълими тизими ва болалар уйлари, мактаб-интернатлари мансабдор шахсларидан иборат нуфузли комиссия болалар уйи ва мактаб-интернатни тамомилаганларнинг тақдири бўйича иш-режа тузиши ва унинг бажарилишини тегишли ҳокимликларга юклаш, қатъий назоратга олиш зарур.

Шунингдек, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия раиси вазифасини шахсан туман, шаҳар ҳокимларининг ўзига юклаш керак. Шундагина комиссиянинг иши олға силжиши мумкин.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ногирон болаларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш, назоратсиз қолишларининг олдини олиш, уларни ўқитиш ва тиббий ёрдам бериш чораларини кўриш керак. Бунинг учун ўзини-ўзи бошқариш органлари ва тиббиёт ходимларининг роли ва масъулиятини ошириш зарур.



Пойтахтнинг Сирғали туманидаги 562-мактабга таълим муассасаси нафақат туманда, балки шаҳримиздаги намунали болалар боғчаларидан бири. Бу даргоҳда 14 гуруҳда 250 дан ортиқ болалар тарбияланади. Боғчага 30 йилдан ортиқ шу соҳада ишлаган Фарида опа Зулфиқорова раҳбарлик қилади.

— Боғчамизнинг намунали даргоҳга айланишида туман халқ таълими раҳбарияти ҳам қўлидан келгунча ёрдамини аямапти. Болаларнинг ҳар жиҳатдан етук бўлишида эса тажрибали тарбиячиларимиздан Маҳбуба Бўронова, Маҳмуда Абдуқодирова, Насиба Бўриева ва уларнинг ўрни катта бўлаётган. Уларнинг савий-ҳаракатлари туфайли мактабга бораган болалар қийналмай дарсларни ўзлаштириб кетаёпти, — дейди боғча мудираси Фарида опа.

Болаларнинг жисмоний соғлом бўлишида катта ҳамшира Марғуба Нуриддинованинг хизмати беқиёс бўлапти. Унинг амалий кўргазмалар билан таъминланган «Соғлом танда, соғ ақл» мавзусидаги суҳбатларини болалар жон қўлоқлари билан эшитишади.

Суратлар муаллифи
Абдувоҳид Тўраев

Тарбия биргина мақсад — маълумотли фуқароларни етиштириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Фақат мактабдагина эмас, ижтимоий ҳаётда ҳам давом этадиган тарбия иши иложи борича шахснинг ижодий қобилиятларини, унинг ғайрат ва ташаббускорлигини оширишга имкон берувчи барча воситалар ёрдамида олиб борилмоғи лозим.

Н. УМОВ

— Асосий Қонуниimiz бўлган Конституциямизда ҳамда бошқа қонуларимизда ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва қамол топиши, ҳуқуқий манфаатларини қамоллатиш учун шарт-шароитларни яратиш давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ёш авлоднинг билим олиши, меҳнат қилиши, ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларни эса ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳокимликлар таркибидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ва ички ишлар бўлимлари нозирлари фаолиятида қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш билан бир қаторда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларини ҳам вояга етмаганлар муаммолари билан шуғулланишга жалб қилиш ижобий самара беради.

Жумладан, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат маркази», туман маданият бўлими, Қизил ярим ой жамияти, «Нуроний» жамғармаси, туман Марказий касалхонаси ва унинг жойлардаги масканларида ишлаётган обрў-эътиборли фаоллар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиб, уларнинг фаолиятини ўсмирлар ва ёшлар муаммоларини бартараф этишга омилкорлик билан йўналтириш ёшлар томонидан содир этилаётган салбий ҳолларни қамайишига олиб келди.

Шофиркон туманида шу йўналишда ўтказилаётган тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноят содир қилиниши қамайди, вояга етмаганлар томонидан ўз жонига қасд қилиш, бедарак кетиб қолиш ҳоллари юз бермади. Мактаб ва билим юртларида ўқётган, битирувчи ёшлар олимпиадалар ва бошқа мусобақа-синов тадбирларида вилоятда етакчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. Албатта ёшларимиз эришяётган бу каби ютуқларда вояга етмаганлар ўртасида ўтказилаётган самарали тадбирларда ташаббускорлик ва етакчилик қилаётган туман прокуратурасининг муносиб ҳиссаси бор.



М. БЕКМУРАДОВ,
Шофиркон туман прокурори

А. АБДУРАЗЗОҚОВ,
«Қонун ҳимоясида»
бирлашган таҳририятининг
Бош муҳаррири

— Очиғини айтиш керак, бугунги давра иштирақчилари томонидан вояга етмаганлар, умуман вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ва нозирликлар фаолиятини яхшилашга хизмат қилувчи қўллаб-қувватлаш тақлифлар айтилди. Мен бу тақлифларнинг тақлифлигича қўлиб кетмаслиги, уларнинг оммалаштирилиши, жойларда тажриба сифатида жорий этилиши тарафдориман. Агарда бу борада матбуот, жумладан бизнинг «Ҳуқуқ» газетамиз ва «Қонун ҳимоясида» журналимиз хизмати лозим бўлса, марҳамат, истаган киши ўзининг тақлифи ёки тажрибаси билан ўртоқлашиши мумкин.

Барчангизга яхши маълум, Республика Бош прокурори Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур комиссиянинг таркиби янгиланиб, ишга бўлган муносабат тубдан ўзгариши билан қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилди. Бу ишларда прокуратура ходимларининг ҳам катта хизматлари борлиги ҳеч кимга сир эмас. Биз ташаббус кўрсатиб ёшлардан иборат футбол жамоаси ташкил қилган, стадион ёҳуд теннис кортлари қурилишига шахсан ўзлари бош-қош бўлган прокурорлар ҳақида эшитганмиз. Балким, уларнинг тажрибаларини ўрганиш бу борадаги умумий ҳиссамизда асқотар.

Мана, ҳозир сўзга чиққан ўртоқлардан бири олиб борилган профилактик ишлар натижасида туманида вояга етмаганлар томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида бирорта ҳам жиноят содир этилмаганлигини айтиб ўтди. Бу натижа албатта катта меҳнатлар самараси. Менимча, бундай ибратли ишларни матбуот саҳифаларига олиб чиқиш орқали оммалаштириш лозим.

Давра суҳбатини
«Ҳуқуқ» муҳбирлари
З. МАМАДАЛИЕВ ва
Д. ИСЛОМОВлар ёзиб олди



Сураткаш: М. НУРИМБЕТОВ

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ШАРҲЛАР

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ЭЗГУЛИК ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

11 сентябрь куни АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида қилинган террорчилик ҳуружи бутун дунёдаги тинчликсевар кучларни давримиз вабосига айланган бу ёвуз кучга қарши курашга отланганди. Бугунги кунда АҚШ бошчилигида терроризмга қарши бошланган ҳарбий ҳаракат жаҳондаги қўллаб-қувватланган қўллаб-қувватланмоқда. Агар Буюк Британия бевосита жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган бўлса, Франция, Германия, Австралия, Канада сингари давлатлар бу курашга яқиндан ёрдам бериш ниятларини билдирдилар. Жаҳондаги 100 дан ортиқ мамлакат АҚШ билан ҳамфикр эканлигини баён этди. БМТ бутун дунё аҳлини террорчилар, уларнинг молиявий таъминотчиларига қарши курашга чақирди.

Ҳозирги пайтда дунёдаги қатор мамлакатлар терроризм ва диний экстремизм ҳавфи билан юзма-юз турибди. Жазирда кейинги 10 йил ичида юз мингдан ортиқ одам

моқда. Терроризмни ислом дини билан боғлашга ҳаракатлар бор. Ваҳоланки, дунёда террорчиликни қурол қилиб олган бошқа дин ва маъбаддаги радикал гуруҳлар ҳам анчагина. Аслида, жаҳолатнинг, ҳурфотнинг дини йўқ. Ҳеч бир дин бегуноҳ инсонларни қурбон қилишга, бузғунчиликка чақирмайди. Халқаро террорчилар учун эса дин бир никоҳ холос. Улар қўпурчилик, қотиллик билан ўзларининг қабих мақсадларини амалга оширишга

Ўзбекистон терроризм ва унинг муҳдиш оқибатларини яхши билади. Мамлакатимиз Президентини Ислон Каримов мустақилликнинг

Д.Рамсфельднинг юртимизга ташрифи Ўзбекистон терроризмга қарши курашнинг олдинги сафларида бораётганлигидан далолат беради.

Шу кунларда АҚШ бошчилигида амалга оширилаётган ҳарбий ҳаракатлар Афғонистондаги терроризм ўқоларини тугатиш, бу мамлакатда халқнинг барча табақалари манфаатларини ифода этадиган ҳукумат ўрнатилишига ёрдам беришни назарда тутди. Бу мақсад Марказий Осиё минтақасидаги барча давлатларнинг манфаатига мос келади. Шу сабабли Ўзбекистон ҳам АҚШга ёрдам бериш

ниятини билдирди. 5 октябрь куни бўлиб ўтган матбуот конференциясида баёнотида мамлакатимиз раҳбари бу ҳақда шундай деди: "Америка ҳукумати терроризмни тағ-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, қўпурчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўнатаётган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди. Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш босқинчилик курашидан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий".

Мамлакатимиз АҚШга ўзининг бир ҳарбий аэродромидан гуманитар ва кутқарув-қидирув мақсадларда фойдаланишга рухсат берди. Ўзаро қелишувга мувофиқ, бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши жанговар ҳаракатларда фойдаланилмайди. Афсуски, баъзи хо-

рижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг АҚШ билан ҳамкорлигини бузиб талқин қилмоқда, турли уйдирмалар билан минтақадаги вазиятни бекарорлаштиришга уринмоқда. Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида бўлиб ўтган брифингга маҳаллий ва хорижий журналистларга Афғонистондаги ва чегарадаги аҳвол ҳақида батафсил маълумот берилди.

Терроризмга қарши кураш халқ қилувчи босқичга кирди. Бу кураш эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги курашдир. Охир-оқибатда эзгулик ва маърифат қучлари ғалаба қилиши мукаррар. Инсоният тарихи ана шундан гувоҳлик беради.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
сиёсий шарҳловчи

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Ваджапаи Покистон президенти Парвез Мушарраф билан бўлган телефон орқали 15 сониялик суҳбати чоғида суҳбатдошини «Кашмир терроризми»га қарши фаол ҳамкорлик қилишга чақирди. Бунда Атал Бихари Покистон ҳукумати Кашмир вилоятидаги террорчи гуруҳларга қарши ҳалигача ҳеч қандай чора қўрмаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, бош вазир Кашмирдаги мужоҳидлар қўпчилик ҳолатларда Покистондан бошпана топаётганлигини, айнан мана шу сабабдан Ҳиндистоннинг мазкур муаммони ҳал этишга қурби етмаётганлигини маълум қилди.

ГАРОВДАГИЛАР ОЗОД ЭТИЛДИ

Литва ҳавфсизлик кучларининг махсус бўлинимаси — «Арас» ҳодимлари томонидан Паневижисда икки нафар фуқарони гаровда ушлаб турган жиноятчи Виргиниюс Савицкис маҳбустларни озод қилиш жараёнида қаршилик қилганлиги учун отиб ўлдирилган. Жиноятчи билан олиб борилган музокаралар ҳеч қандай натижа бермаган, махсус бўлинима ёрдамида у турган уй штурм қилинган эди.

Гаровда ушлаб турилганлардан бири — 13 ёшли мактаб ўқувчиси қаттиқ қўрқув ҳолатида бўлганлиги ва қўлидан яраланганлиги учун касалхонага ётқизилган. Жиноятчи томонидан ушлаб турилган аёлга эса ҳеч қандай зиён етказилмаган.

Маълум бўлишича, Виргиниюс Замолскис деган шериги билан қамокдан қочган ва уларни қўлга олиш жараёнида мактаб ўқувчисини гаровга олиб қўп қаватли уйлardan бирига кириб олган. Унинг шериги эса полиция билан бўлишга тўқнашувда яраланган бўлишига қарамайдан воқеа жойидан қочишга муваффақ бўлган.

«РЕАКТОРЛАРДАН ҚЎРҚМАНГ!»

«Курс» атом сувоисти кемаси ҳалокати сабабларини ўрганиш ҳукумат комиссиясининг бошлиғи Илья Клебанов атомоход бортидаги реакторлар ҳеч қанақа ҳавф туғдирмаслигини маълум қилди.

Илья Клебанов куни кеча Мурманскда учинчи олдидан журналистларга интервью берар экан, «агарда бизда реакторлар туфайли бирон-бир кўнгилсиз ҳолат содир бўлишига зарарча шубҳа бўлганида ҳам биз Росляковда бу операцияни давом эттириш ниятидан қайтган бўлур эдик», дея қатъий таъкидлаб, «мен реактор билан ҳеч қанақа ноҳушлик юз бермаслигига ҳаммамнинг қатъий ишониларини истар эдим», деди.

АҚШ томонидан Афғонистондаги нишонларга қарата уюштирилган иккинчи зарба давомида америкаликларнинг учта сувоисти ва битта сувоисти кемаларидан 15 та қанотли ракета учирилган. Шунингдек, ҳужумда АҚШнинг В-1 ва В-2 бомбардирончи самолётлари иштирок этган.

АЙБЛОВ РАД ЭТИЛДИ

Толиблар душанба куни Буюк британиялик журналист аёл Ивон Ридлини Покистон маъмуриятига топширдилар. Буюк Британия бош вазири Тони Блэр матбуот конференциясида шу ҳақда хабар берди. Унинг айтишига қараганда, Исломободдаги Британия элчихонаси вакиллари Ивон Ридли билан учрашганлар. Британиялик журналист 28 сентябрь куни толиблар томонидан Афғонистон ҳудудида қўлга олинган эди. Қобул маъмурияти вакиллари таъкидлашча, журналист аёл бу ерга ҳеч қандай ҳужжатсиз кириб келган. Толиблар унга «Буюк Британия махсус хизмати ходими сифатида Афғонистонда махсус вазифаларни амалга оширишни назарда тутган», деган айб қўйгандилар. Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Лондондаги Ивон Ридли ишлаган газета раҳбарлари толибларнинг бу айбловини қатъиян инкор этдилар.

ҚИШЛОҚҚА ҲУЖУМ

Бир гуруҳ чечен жангарилари Абхазиянинг Гульрипшск районидаги арман миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқлардан бирига ҳужум қилишган. Жангарилар қишлоқ аҳолисида 14 кишини отиб ташлашган. Бу ҳақда маълумот берар экан, Абхазия вице-президенти Валерий Аршба мазкур ҳудуд ҳозирда абхаз армияси бўлинимлари томонидан қўшаб олинганлигини таъкидлаб ўтди. Олдинроқ вице-президент Абхазияга Грузиядан суқулиб кирган чечен ва грузин жангарилари турган Кодор водийсини ҳарбий бўлинимлар бутунлай ўраб олганлигини маълум қилган эди.

Кеча Альфред Нобель фонди раҳбарияти Нобель мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича бу йилги совриндорни номи аниқланганлигини маълум қилди. Мукофот соҳиби номини эълон қилиш ва уни топшириш маросими 11 октябрь куни бўлиб ўтади.

ТЕРРОРЧИНING САФДОШИ ҲИБСДА

Босния ва Герцоговина полицияси томонидан Усама бин Ладен билан яқин ҳамкорлик қилишда гумон қилинган Яман фуқароси Бинсаъх Белкачем ҳибсга олинган. Бу ҳақда душанба куни мамлакат ички ишлар вазири Муҳаммад Бешич маълум қилган эди. Бинсаъхнинг Зеница шаҳридаги уйида ўтказилган тинтув чоғида топилган телефон рақами унинг Усама бин Ладен билан ҳамкорлик қилганлигига асос қилиб олинган. Гап шундаки, мазкур телефон рақами 1-рақамли террорчининг яқин сафдошига тегишли бўлган.

INTERNET хабарлари асосида Ш. ЁДГОВОВ тайёрлади



террор қурбони бўлди. Ҳиндистон, Туркия, Исроилда ҳар йили юзлаб бегуноҳ кишилар террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлмоқда. Қатор Европа мамлакатларида ҳам бу мавзу ниҳоятда долзарб. Эндиликда сайъ-ҳаракатларни бирлаштириш, бу умуий душманга қарши биргаликда курашиш фурсати етди. Чунки терроризм бугун халқаро миқёс касб этди. Диний экстремистик ташкилотлар ўнлаб мамлакатларда фаолият олиб бормоқда. Улар сохта диний шиорлар билан ёшлар онгини захарлаб, терроризм кўчасига етакламоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи кучлар бу курашнинг ислом ва насронийлик ўртасидаги кураш деб талқин қилишга урин-

илк йилларидан бошлаб бу офат минтақа барқарорлиги учун қандай ҳавф туғдиришини ва унга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашиш зарурлигини таъкидлаб келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессияларида, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги саммитида сўзлаган нутқларида юртбошимиз жаҳон жамоатчилигини терроризмга қарши ялпи курашга чақирди. Аммо ўша пайтда етарли эътибор қилинмаган бу муаммо 11 сентябрь куни ўзининг долзарблигини яна бир бор яққол намойиш этди. Кейинги пайтда юртбошимизнинг АҚШ Президенти Ж.Буш, Буюк Британия бош вазири Т.Блэр билан телефон орқали суҳбатлари, АҚШ мудофаа вазири

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



АСР ТЕНГДОШИ

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирувчи Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш заводи Республикаимиздаги энг кўна санаят корхоналаридан бири ҳисобланади. 1900 йилнинг 10 май тоғида Тошкентнинг Янги шаҳар қисми томонидан келган давомлик гудок овози яна бир янги корхона ўзининг биринчи иш кўнини бошлаганини эълон қилди. Яъни, айнан шу кўни Урта Осиё темир йўлларининг бош устахонаси ўзининг илк фаолиятини бошлаган эди. 1930 йилдан бошлаб завод «Кизил Шарк» заводи деб номланган. Уша пайтларда заводга темир йўл транспорт воситалари (тепловозлар, вагонлар, юк ташувчи вагонлар) учун зарур бўлган эхтиёт қисмларининг кўп қисми Россия, Украина заводларидан келтирилган эди.

1991 йил 1 сентябрь кунидан, яъни ушбу тарихий ва муқаддас санадан бошлаб завод тарихининг янги ҳамда шонли саҳифаларини бита бошлади.

Мустақиллиқнинг илк йилларидан бошлаб ушбу завод «Ўзбекистон темир йўллари машиналарини таъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси деб номланиб «Ўзбекистон темир йўллари» тасарруфига ўтди. 1993 йилдан бошлаб заводда замонавий талаблар асосида янги таъмирлаш ишлари фаоллашиб кетди. Шу йили Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси қарорига мувофиқ пассажир вагонлар таъмирини ташкил этишга киришди. 1994 йил янги ташкил этилган вагон цехи ойига 20 та йўловчи ташувчи вагонларни тўла қайта таъмирдан чиқаришга киришди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш-ташкилий тузилмаси кўп йўналишдан иборат бўлиб, унда машинасозлик, темирни қайта ишловчи, чуян, пўлат, рангли металл қуввчи, темирчилик, асбобсозлик, ёғочни қайта ишловчи, қувувчилик, резина ишлаб чиқарувчи тармоқлар ва цехлар фаолият кўрсатмоқда. 1997 йилдан бошлаб завод ёпиқ ва минерал ўйит ташийдиган вагонлар, Ўзбекистоннинг «ЎзДЭУавто», қўшма корхонасида ишлаб чиқариладиган «Нексия», «Дамас», «Тико» русумли енгил автомобилларини ташийш учун мўлжалланган 2 қаватли платформалар яратиш ҳамда электровозларни таъмирлаш ишларини йўлга қўйди. Авваллари бундай ишларни йўлга қўйиш учун йиллар керак бўлган бўлса, ҳозир бу бир неча ойда амалга оширилмоқда. 1999 йилдан эътиборан Чехиянинг ЧМЭ-3 турдаги тепловозларни тубдан таъмирлашни тақомиллаштириб бормоқда.

«Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси эхтиёт қисмларини ишлаб чиқариш ва ҳаракат таркибларини таъмирлаш бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Корхона меҳнат унвондорлигини оширган ҳолда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўл компаниясининг ҳаракат таркибларини таъмирлашга ва уларнинг зарур қисмларга бўлган эхтиёжини тўлиқ қоплаган ҳолда Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозғистон ва Россия каби давлатларга ҳам маҳсулот етказиб бормоқда. Бугунги кўнда бирлашмада 300 турдаги эхтиёт қисмлар ишлаб чиқаришмоқда, — дейди ишлаб чиқариш бўйича директори мовини Б.Абборов. — Давлатимиз мустақиллиги йилларида завод экспорт қилган маҳсулотлар ва хизмат ҳажми 11 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Корхона раҳбарияти ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий аҳволини янада юксалтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Жумладан, жамоада меҳнат қилаётган кам таъминланган, кўп болали oilаларга, насақадорларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатишмоқда.

Ҳозирги кўнда завод тасарруфига болалар оромгоҳи, болалар боччаси, соғломлаштириш мажмуи, балиқчилар дам олиш оромгоҳи, маданият маркази, завод тарихий музейи ва бошқа ижтимоий соҳа масканлари фаолият кўрсатмоқда, — деди завод директори Нусратилло Абдуллаев. — Ўтган йили заводимизнинг 100 йиллигини нишонлаётган бир пайтда Президентимиз Ислам Каримов томонидан йўланган табрик хатини олдик. Бу йил эса, мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан ишчи-хизматчилардан 14 таси давлатимиз олий мукофотлари билан тақдирландилар. Корхонамизнинг юртбошимиз назаридан четда қолмаётганлигидан бошимиз кўкка етди.

Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш завод тарихининг иккинчи юз йиллигига янгиланган, куч-қувватга тўлган ҳолда қадам қўймоқда, мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг таянч корхоналаридан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда**.

- Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари!
- Бош бухгалтер ва аудиторлар!
- Бизнесчилар ва хусусий тадбиркорлар!

«СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ЖУРНАЛИ»

Сизнинг энг яхши дўстингиз ва маслаҳатчингиз!

Унинг саҳифаларида:

- солиқ қонунчилигига киритиладиган барча қўшимчалар ва ўзгаришлар;
- республикада иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари;
- солиққа тортиш ва иқтисодиёт соҳасидаги олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг батафсил шарҳлари;
- бухгалтер, аудиторлар ва солиқ инспекторларига ёрдам тариқасида услубий материаллар;
- хусусий бизнес ва яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар учун махсус бўлимлар чоп этилади.



Сиз журналимизга обуна бўлар экансиз, бизнесда омадингиз келишга кафолат оласиз!

Ахборот қимда - олам ўшанда!
Барча ахборотларни наширимиздан топасиз!

Наширимиз кўрсаткичлари - 863, 824.

АЛОҲИДА МУНОСАБАТ ЗАРУР

Юртимиз тараққиётининг асосий омилларидан бири, шубҳасиз тадбиркорликдир. Жамиятимиз ривож, турмушимиз фаровонлиги учун бел боғлаган ана шундай тадбиркорлардан бири Тождидин ака Исмаиловдир. У киши «Тождидин» хусусий фирмасининг асосчиси. 1994 йил 15 ноябрдан буюн мазкур фирмага бошқош.



«Дастлаб, — деди суҳбатимизда Тождидин ака, —

жамоамиз аъзолари 3 кишидан иборат бўлган. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, ахиллик билан иш олиб борганимиз туфайли фирмамиз халқ орасида ўз кадр-кимматига эга бўлди».

Ҳозирги кўнда жамоа 7 киши асосида фаолият кўрсатмоқда. Фирмада асосан металл маҳсулотлари тайёрланади. Буюртма асосида харидорларга темир дарвоза, темир эшик, ҳар хил шаклдаги панжаралар тайёрланади. Энг муҳими, нархлар харидорларни қаноатлантиради.

«Ҳамма нарсасида меёр бўлишини хоҳлайман, — дейди Тождидин ака, — маҳсулотларимизга қўйилган нарх мижозларни қаноатлантириши лозим. Шу ниятда нархни уларнинг эхтиёжидан, имкониятидан келиб чиқиб қўйишга ҳаракат қилаёмиз. Шу сабабданми, буюртмачиларнинг сони етарлича. Шуқи алоҳида таъкидлаш керакки, харидорлар билан алоҳида эътибор билан муносабатда бўлишга ҳаракат қилаёмиз. Ходимларимизнинг барчаси шу талабга жавоб беради».

«ТОЖИДДИН» фирмасига ташриф

бўлинг, сиз бунга амин бўласиз.

«ТОЖИДДИН» Сизнинг дидингизга

мос, уйингизнинг кўрқи бўладиган

темир маҳсулотларини тайёрлайди.

«ТОЖИДДИН» — ҳақиқий хизмат


шундай бўлиши керак.

«ТОЖИДДИН» фирмаси ўз маҳсулот-

ларини сизга тақлиф қилади. Фирма

сизнинг хизматингизда**.

Манзилимиз: «Тождидин» хусусий фирмаси. Мўйал: Паркент бозори. Тел: 167-58-81.



«ХОРАЗМ МАВЕРА ПЛАСТ»

Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси

Ушнинг ва офисингиз кўрқига кўрк
қўшмадан замонавий, нисман ва
юқори қиғ билан ишланган
мебелларни тақлиф этилади.

Манзилимиз: Хива ш., Куюк кўл п.
Тел.: (36237) 63089, 63090.
Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 41.
Тел.: (3712) 74-20-46, 74-29-29, 75-16-19.

SARKOR

КОМПЬЮТЕР ВА ПРИНТЕРЛАР, ИНТЕРНЕТГА БОҒЛАНИШ

Тел.: 132-00-00

ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

Халққа хизмат қилиш олий ҳимматлардан биридир. Бунга шахримиздаги 18-автокорхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу жамоа Тошкент шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасида 1-ўринни эгаллаб турибди. Албатта, халққа хизмат кўрсатишнинг сифат даражасининг оширилишида корхона раҳбари Баҳодир Исмоиловнинг ҳиссаси каттадир.

Корхона биносига кирганингизда кенг залда буюк бобокалонларимиз ҳамда қатағонга ўраган ватандошларимиз суратларига кўзингиз тушади.

Бу эса ўз навбатида раҳбарнинг, қолаверса, корхона ишчиларининг аждодларимизга бўлган ҳурматида далолатдир.

Энди мазкур автокорхона фаолияти билан яқиндан танишайлик. Умумий ҳисобда 18-автокорхона бўйича 162 та автобус мавжуд. Шундан 150 таси тижорат йўналишларида қатнайди. Корхонада 600 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар учун барча шароитлар му-

ҳайё. Жумладан, дам олиш хонаси, ҳаммом, ошхона.

Корхона раҳбари Исмоилов Баҳодир Толипович мустақиллиқнинг 10 йиллиги арафасида корхона ишчиларининг фарзандларини моддий рағбатлантирди, яъни ҳар бир ўқувчига янги мактаб формалари, дарслиқлар берилди. Автокорхонада ўсишлар жуда катта, ишчи-ходимлар ҳам директоридан миннатдор.

Манзилаҳ: 18-автокорхона, Назарбек кўпригидан чапга. 114-маршрут-ли такси юради.

СПОРТ

ФУТБОЛ ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «ЖАР» спорт марказида 30 сентябрдан 1 октябрга қадар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган элчихона, дипломатик корпуслар ва халқаро ташкилотлар жамоалари ўртасида мини футбол бўйича 3-халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнирда жами 18 жамоа 4 гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этишди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, турнир жуда юқори даражада ташкил этилганлиги, ҳомийлар томонидан ажойиб тадбирларнинг уюштирилиши футбол байрамнинг нуфузини янада оширди.

Гуруҳ ўйинлари нихоясига етган, 4 жамоа: Қозоғистон ва Озарбайжон элчихоналари жамоалари, ТАСИС халқаро ташкилоти жамоаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоалари ярим финалга етиб келишди.

Ярим финал ўйинлари жуда мурасасиз ва қизиқарли ўтди. Дастлаб майдонга тушган ТАСИС ва Озарбайжон элчихонаси жамоалари асосий вақтда 2:2 дуранг натижага эришиб, пенальтилар бўйича ТАСИС футбол жамоаси 4:3 ҳисобида ғалаба қозонди ва биринчи финал йўлланмасини қўлга киритди.

Иккинчи ярим финал ўйинида Қозоғистон элчихонаси жамоаси Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси билан куч синашди. Бу ўйинда ҳам финал йўлланмасини қўлга киритишни пенальтилар ҳал қилди. Асосий ҳисоб 2:2 бўлиб тугади ва Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси 5:4 ҳисобида финалга йўлланма олди.

Совринли 3 ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда Қозоғистон элчихонаси жамоаси озарбайжонлик ҳамкасблари устидан 5:4 ҳисобида устун келди ва турнирнинг бронза медалларини қўлга киритишди.

Мусобақанинг Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги ва ТАСИС жамоалари ўртасида бўлиб ўтган финал босқичидаги ўйин Ташқи ишлар вазирлиги жамоасининг тўлиқ устунлигида ўтди ва 4:1 ҳисобида якунланди.

Шундай қилиб, 2 кун давом этган турнирда Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси 1-ўринни, ТАСИС жамоаси 2-ўринни ва Қозоғистон элчихонаси жамоаси 3-ўринни эгаллашди.

Турнир якунида совринли ўринларни эгаллаган жамоаларга ташкилотчилар томонидан тайёрланган турли эсдалик совғалари топширилди.

Р. МАХМУДОВ

ТАҚДИР

ҚУЁШСИЗ ЯШАБ БУЛАДИМИ?



Кейинги йилларда Лутфуллода расм чиқишга бўлган иштиёқ, ҳавас кучайди. Унга истеъдодли мусаввир Т. Аҳмадалиев устозлик қилиб, тасвирий санъатнинг ўзига хос сирларидан воқиф эта бошлади.

— Лутфулло жуда иқтидорли бола, — дейди биз билан суҳбатда Т. Аҳмадалиев. — Рангларни ўз ўрнида танлай билади. Бир айтган гапни иккинчи марта қайтариб ўтиришнинг ҳолати йўқ, хотираси жуда кучли.

Ишонаманки, келажда у буюк rassom бўлиб етишади. Лутфуллонинг чизган суратларини бир-бир кўздан кечириб, уни саволга тутамиз: — Лутфулло, қуёш ва гулларни чизишни яхши кўраркансан?


— Ҳамма болалар қуёшни, гулларни яхши кўради-ку! Ахир қуёшсиз яшаб бўладими? — дейди у ажабланганча. Сўнг сўзида давом этади: — Осмонни ҳам яхши кўраман. Қаранг, қанчалар чиройли. Кўм-кўк! Яна осмонда эркин-эркин учаятган бургутни томоша қилишни яхши кўраман. Қани энди кўлларим бўлса эди, мен ҳам бошқа болаларга ўхшаб баланд-баландларга варрак учирсам.

Бир лаҳзада Лутфуллонинг юзларида армон кўланка ташлади. Мен ўзимча юпатмоқчи бўламан: — Ие, йигит киши ҳам хаффа бўладими? Қара, атрофда қанча дўстларинг бор. Улар билан қандай ўйинлар ўйнайсизлар?

— Аҳрор, Аҳаджон, Дилшоджон деган дўстларим билан доим бирга юраман. Улар билан бирга футбол ўйнайман, каратэга қатнайман. — Қандай орзуларинг бор? — Орзуларим жуда-жуда кўп. Биринчиси — ўзим яшаётган маҳалланинг чиройли-чиройли жойларини чизишни истайман, кейин

тоғларга саёхатга чиқишни орзу қиламан. Дадам кейинги йили баҳорда тоққа олиб чиқаман, деганлар. Баҳорда тоғлар жуда гўзал бўлармиш, лолалар гиламдай очилганини томоша қилмоқчиман.

Ҳа, Лутфуллонинг жажжигина қалби орзулар билан тўла. Лутфуллонинг отаси Абдувоҳит ака, онаси Одинахон, бувиси Раҳимахон ая унинг атрофида кеча-кундуз парвона.



Дарҳақиқат, мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Бадий академиясида республика виллояларига бағишланган кўргазмалар бўлиб ўтди. Лутфулло ҳам ўз суратлари билан қатнашиб, юқори баҳо олди.

...У хар тонг кўзларини очар экан, эндигина тоғлар ортидан бош кўтарайотган қуёшга қараб: «Ассалом, Боқуёш! Ассалом она ер!» дейди.

Биз эса гўдаклик чоғларида-ноқ ҳаётнинг барча зарбаларига дош бераётган ёш мусаввирга шундай дегимиз келди:

— Куч-қудрат, сабат тилайман сенга, умидли дунёнинг умидли гули!

Зебонисо НУРИНБОЕВА

ЛАТИФАЛАР

Кайзер армиясининг полковниги отда сайр қилмоқчи бўлди. У бир сакраб, отга тескари миниб олди. Бунчи кўрган адъютанти деди:

— Жаноб полковник, сиз отга тескари миниб олдингиз-ку.

— Овозингизни ўчиринг, лейтенант. Биринчидан, менга ургатманг, иккинчидан, от хали бу томонга ўргилиши мумкин. Учунчидан, менинг қаёққа бормоқчилигимни сиз қаердан биласиз?

Бир аскар харбий қисм врачни ҳузурига келиб шикоят қилди:

— Қаранг, жаноб доктор, бўлинкамиздагилар ипак пайпоқдан кўра ип пайпоқни афзал кўрганим учун мени сизнинг ҳузуригизга жўнатишди.

— Бунинг ахир ҳеч қанақа ёмон жойи йўқ-ку, — деди врач ажабланиб, — чунки ўзим ҳам ипак пайпоқдан кўра ип пайпоқни афзал кўраман.

— Чинданими? Қандай яхши-я, — деди аскар жонлиб, — ҳўш, айтгинчи, сиз уларни нима билан ёйсиз? Сариев биланми ёки майонез биланми?

Сартарош харбий хизматга қақирилган ёшларнинг сочини олаётган эди. Бир йигитнинг сочини олаётганда у сўради:

— Яхши йигит, сиз бир вақтлар шапка кийиб юрганмисиз?

— Ҳа, бундан икки-уч йил аввал кийиб юрардим.

— Галингиз тўрига ўхшайди, аммо уни мен сочингиз орасидан мана ҳозир топиб олдим.

Нега бошингизни бунча кўп доқа билан ўраб олдингиз, оддий аскар Рубин?

— Бошимни пашша қақиб олди, жаноб унтер офицер.

— Ажабо, пашша қаққанига ҳам шунчалар катта қилиб боғлаб олдингизми?

— Ахир, ўша пашшани шеринг автоматининг қўндоғи билан уриб ўлдирди-да.

Тасаввур қилиб кўринг-а, — деди бир зобит хотинига, — бутун тушумда дунёнинг энг гўзал аёлга сочи юборибман.

— Ҳўш, мен нима деб жавоб қилибман? — сўради хотини.

Немис тилидан
Йўлдош ПАРДА таржимаси

Моҳият

Барча

кашфиётлар

ичида энг

гўзали яхши

тарбия олган

инсондир.

ЭПИКТЕТ

(Рим файласуфи)



У чизган суратларни биз катталар соғинадиган бебаҳо болалик ҳали тарк этмаган. Суратларда ранг-баранг гуллар, болалар, қўшлар ва қуёш кулиб туради. Бир сўз билан айтганда, унинг суратларидан ҳаёт нафаси келиб туради.

Лутфулло Қўқондаги 13-мактабнинг 4 - «б» синфида аъло баҳоларга ўқийди. Математика ва адабиёт фанларига жуда қизиқади. Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиёва шеърларини севиб мутоала қилади. Устоз Мухаддмахон Мамаризоева унга дарсларни пухта ўзлаштиришига ёрдам беради.

ЧЕМПИОН ҚИММАТИ

КАФЕЛЬНИКОВ
КУБОК СОҲИБИ

ТОШКЕНТДА ўтказилган «Президент кубоги» турнирида иккинчи ўрин соҳиби бўлган россиялик теннис юлдузи Евгений Кафельников «Кремль кубоги» мусобақасининг финал босқичида Николас Кифер билан қорға тушиб, рақибни 6:4, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратди ва бешинчи мартаба ўшбу нуфузли мусобақа бош совринига эга бўлди.

27 ёшли теннис юлдузи голиблик учун оладиган гонорарининг барчасини Қора денгиз устида авиакатастрофа учраган оилаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказишга аҳд қилганлигини маълум қилди. — Бу фойеадан мен ҳам барча россияликлар каби чуқур қайғудаман, — деди Е. Кафельников. — Ҳалокатнинг Қора денгиз устида, мен туғилиб ўсган жойдан унча узоқ бўлмаган ерда юз бергани эса мени янада изтиробга солди.



— Биргаликда қўлайимиз...

Қутлов

Ҳурматли дадажонимиз
Отабек Ашуров!

Сизни туғилган кунингиз билан самимий табриклаймиз. Сизга узок-умр, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда омадлар тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг.

Турмуш ўртоғингиз
Гулноза ва қизингиз Чарос.
Самарқанд шахри

Суюқли аяжонимиз

Ҳалимахон Раҳимжон қизи!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилаймиз. Ҳаётнинг энг олий саодати — фарзандларингиз ва невараларингиз камолини кўришдек бахт насиб этсин.

Турмуш ўртоғингиз Бахтиёр
Ғофуров ва невараларингиз.